



**Иймон келтирмагунингизча жаннатга
кирмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббат
қилмагунингизча иймонли бўла олмайсизлар. Агар
амал қилсангиз, ўрталарингизда муҳаббат пайдо
этадиган нарсага сизларни далолат қилайми?
Ораларингизда саломни ёйинглар», - дедилар**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иймон келтирмагунингизча жаннатга кирмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббат қилмагунингизча иймонли бўла олмайсизлар. Агар амал қилсангиз, ўрталарингизда муҳаббат пайдо этадиган нарсага сизларни далолат қилайми? Ораларингизда саломни ёйинглар», - дедилар.

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда жаннатга иймонлийдан бошқаси кирмаслигини ва токи бир-бирларини яхши кўрмагунларигача иймонлари комил ва оралари ислоҳ бўлмаслигини баён қилдилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳаббат барчани ўраб оладиган нарсага йўналтириб қўйдилар. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг бандаларига берган саломни мусулмонлар орасида ёйиш.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3361>

